

ЎТМИШГА НАЗАР

7 ЖИЛД, 12 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
ТОМ 7, НОМЕР 12

LOOK TO THE PAST
VOLUME 7, ISSUE 12



ТОШКЕНТ-2024

Бош мухаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош мухаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори,
профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети

Бобожонова Дилором Бобожонова
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари
университети

Юнусова Хуршида Эркиновна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Аширов Адхам Азимбаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Агзамова Гулчеҳра Азизовна
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Бурдиашвили Майя
тарих фанлари доктори,
Телави давлат университети

Кожакеева Ляззат Темировна
тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика
университети

Аминова Азиза Марксовна
тарих фанлари доктори, доцент,
Навоий давлат педагогика институти

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна
тарих фанлари доктори,
Тошкент ирригация ва кишлок
хужалигини механизациялаш
муҳандислари институти
Миллий тадқиқот университети

Худайкулов Тулқин Дўстбоевич
Тарих фанлари доктори (DSc)
Шаҳрисабз дала педагогика институти

Гоффоров Шокир Сафарович
тарих фанлари доктори, профессор
Самарқанд давлат университети

Эргашева Юлдуз Алимовна
Тарих фанлари доктори, профессор,
Қариш муҳандислик-иқтисодиёт
институти

Халикова Раҳбар Эргашевна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент давлат техника университети

Ишанходжаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Эшов Боходир Жўраевич
тарих фанлари доктори, профессор
Қариш давлат университети

Маҳкамova Надира Раҳмановна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент ахборот технологиялари
университети

Кебадзе Мадонна
тарих фанлари доктори,
Телави давлат университети

Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна
тарих фанлари доктори, доцент,
Нукус давлат педагогика институти

Мустафасева Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари доктори
Ўзбекистон Фанлар академияси

Ерметов Аваз Абдуллаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Хайдаров Ғайратбек Мирзапўлатович
тарих фанлари доктори, профессор,
Андижон давлат университети

Расулов Абдуллажон Нуриддинович
тарих фанлари доктори, профессор
Наманган давлат университети

Ковалев Борис Николаевич
тарих фанлари доктори, профессор
Санкт-Петербург Тарих институти

Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Ауанасова Алима Мусировна
тарих фанлари доктори, профессор,
Қозоғистон давлат тарихи институти

Бегалинова Калимаш Капсамаровна
фалсафа фанлари доктори, профессор,
Қозоғистон Миллий университети

Хайдаров Муродилла Махмудалиевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Тожибоев Музаффар Турдйбоевич
тарих фанлари доктори, профессор,
ИИВ Академияси

Алиева Лале
тарих фанлари доктори,
Озарбайжон давлат университети

Саипова Камола Давляталиевна
тарих фанлари доктори, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Исмаилова Алмаз
тарих фанлари доктори,
Догистон мустақил университети

Иноятова Диларам Маниглиевна
Тарих фанлари доктори (DSc), профессор
Ўзбекистон Миллий университети

Дорошенко Татьяна Ивановна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

Ширванова Тарана Амирага кызы
тарих фанлари номзоди, доцент,
Азербайджон давлат
иқтисодиёт университети

Мирзалиев Улуғбек Бегмурзаевич
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), Гулистон
давлат педагогика институти

Нуруллаева Шоира Кушназаровна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Урганч давлат университети

Толибоева Нодира Одилжоновна
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон
жаҳон тиллари университети
Масъул котиб

Теймураз Ахалмосулишвили
тарих фанлари номзоди, профессор,
Телави давлат университети

Джоробекова Айнура Эшимбековна
тарих фанлари номзоди, профессор,
Қозоғистон дипломатия академияси

Рахмонқулова Зумрад Бойхуразовна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Исаков Бахадир Нигматуллаевич
тарих фанлари номзоди,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

Холмуродов Дилшод Рашидович
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), Жиззах давлат
педагогика университети


Одилов Абдор Анварович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети
Масъул котиб

Тўхтабасев Аъзамжон Шарипхўжаевич
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доцент,
Наманган давлат университети

Халмуратов Бахтиёр Режавалиевич
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доцент,
Наманган давлат университети

Алимардонов Отабек Қудратович
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доценти
Ўзбекистон Миллий университети

1. Nodira Babadjanova O‘ZBEKISTON MILLIY TARAQQIYOTINING YANGI BOSQICHIDA IJTIMOYIY BARQARORLIK VA MAMLAKAT TARAQQIYOTINI TA’MINLASHDA MILLATLARARO TOTUVLIK VA DINIY BAG‘RIKENGLIK – MUHIM OMIL.....	5
2. Laylo Begimqulova TEMURIY MALIKALARNING KELIB CHIQISHIGA DOIR AYRIM MULOHAZALAR (Saroy Mulk xonim va Xadicha begim misolida).....	13
3. Abduvali Berdiyev O‘ZBEK XONLIKLARINING ERON, AFG‘ONISTON, TURKIYA VA HINDISTON DAVLATLARI BILAN O‘ZARO ELCHILIK ALOQALARI VA UNDAN KO‘ZLANGAN IQTISODIY - SIYOSIY MAQSADLAR.....	18
4. Alisher Jalilov SIYOSIY ELITANING TURKISTONNI MILLIY-HUDUDIY CHEGARALANISHIGA MUNOSABATI VA O‘ZBEKISTON SSRning TASHKIL TOPISHI.....	27
5. Баҳром Джалолов СОВЕТ ХУКУМАТИНИНГ БОЛАЛАРНИ ХУҚУҚИЙ ҲИМОЯЛАШ ТИЗИМИ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР.....	33
6. Sherzod Djurakulov САМАРҚАНД МУЗОФОТИНИНГ ЮҚОРИ ПАЛЕОЛИТ ДАВРИ ЁДГОРЛИКЛАРИ.....	39
7. Саховат Захидова ХОЖАГОНИЙЯ-НАҚШБАНДИЙЯ ТАРИҚАТИ “ҲИМОЙАТ” ТИЗИМИНИНГ СЎНГГИ ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИ ИЖТИМОЙ СИЁСАТИДАГИ ЎРНИ.....	44
8. Икрамжон Исмаилов ЎЗБЕКISTОН ЁШЛАРИНИ ХОРИЖДА ТАЪЛИМ ОЛИШЛАРИДА ДАВЛАТНИНГ РОЛИ.....	49
9. Энажон Нишанбаева ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИК МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ТАДРИЖИЙ РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ (ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ МИСОЛИДА).....	57
10. Жамшид Пиримкулов ТОШКЕНТЛИК АДАБИЁТ ВА САНЪАТ НАМОЁНДАЛАРИ (XIX АСР ИККИНЧИ ЯРМИ – XX АСР БОШЛАРИ).....	63
11. Gulxayo Xasanboyeva O‘ZBEKISTON QISHLOQ XO‘JALIGINING RIVOJLANISHI, TARMOQDAGI ISLOHOTLAR.....	69
12. Рашид Холмуродов ТАРИХЧИЛАР ТОМОНIDAN O‘LKAMIZ ETNOGRAFIYASI VA ETNIK TARIXINING O‘RGANILISHI.....	73



Бахром Джалолов,
Наманган давлат чет тиллар институти ўқитувчиси

СОВЕТ ХУКУМАТИНИНГ БОЛАЛАРНИ ХУҚУҚИЙ ҲИМОЯЛАШ ТИЗИМИ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

For citation: Bakhrom Djalolov. THE SYSTEM OF LEGAL PROTECTION OF CHILDREN OF THE SOVIET GOVERNMENT: PROBLEMS AND SOLUTIONS. Look to the past. 2024, vol. 7, issue 12, pp.33-38

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.14497514>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда совет мустамлакачилиги шароитида болаларни ҳуқуқий ҳимоялаш, уларни манфаатларини ҳимоя қилиш йўлида қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг ўзига хос жиҳатлари, болаларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида совет ҳукумати томонидан болалар ҳуқуқларни кафолатлаш йўлида йўл қўйган камчиликлар ҳамда хатолар танқидий таҳлил қилиб берилади.

Совет ҳукуматининг болаларни манфаатларини ҳимоя қилиш йўлидаги қонунчиликдаги хато-ликлар ҳамда мажбурий меҳнатни болаларга нисбатан қўлланилишидаги адолатсизликлар кўр-сатиб берилиб, шу билан бирга, Янги Ўзбекистонни барпо этиш ва болаларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоялаш, болалар меҳнатига барҳам беришдек каби муаммоларни ечимида Ўзбе-кистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг олиб борган хизматлари кўрсатиб берилади.

Калит сўз ва иборалар: вояга етмаганлар, ахлоқ тузатиш, битим, кодекс, балоғатга етмаганлар иши билан шуғулланувчи комиссиялар, гўдак, колхоз устави, болалар меҳнати, мажбурий меҳнат, ижарага олиш, кўчмас мулк, давлат органлари, жамоат ташкилотлари

Бахром Джалолов,
Преподаватель Наманганского государственного
института иностранных языков

СИСТЕМА ПРАВОВОЙ ЗАЩИТЫ ДЕТЕЙ СОВЕТСКОЙ ВЛАСТИ: ПРОБЛЕМЫ И РЕШЕНИЯ

АННОТАЦИЯ

В данной статье в годы после Второй мировой войны, в условиях советского колониализма, правовые документы, принятые в целях правовой защиты детей и защиты их интересов и их специфических аспектов, рассматриваются недостатки и ошибки, допущенные. Критически анализируются пути советского правительства по обеспечению прав детей в социально-экономической жизни детей.

Показаны ошибки советского правительства в законодательстве по защите интересов детей и несправедливость в использовании принудительного труда в отношении детей, а также заслуги Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева в решении проблем.

такие как социальная и экономическая защита и прекращение детского труда в создании Нового Узбекистана.

Ключевые слова и фразы: несовершеннолетние, исправления, соглашение, кодекс, комиссии по делам несовершеннолетних, малолетний, устав колхоза, детский труд, принудительный труд, аренда, недвижимость, государственные органы, общественные организации

Bakhrom Djalolov,

Teacher of the Namangan State Institute of Foreign Languages

THE SYSTEM OF LEGAL PROTECTION OF CHILDREN OF THE SOVIET GOVERNMENT: PROBLEMS AND SOLUTIONS

ABSTRACT

In this article, in the years after the Second World War, in the conditions of Soviet colonialism, the legal documents adopted for the legal protection of children and the protection of their interests and their specific aspects, the shortcomings and mistakes made by the Soviet government in the way of guaranteeing children's rights in the socio-economic life of children are critically analyzed. is given.

The mistakes of the Soviet government in the legislation to protect the interests of children and the injustices in the use of forced labor against children are shown, and at the same time, the services of the President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoev in solving problems such as social and economic protection and ending child labor in the establishment of New Uzbekistan are shown.

Key words and phrases: minors, corrections, agreement, code, juvenile commissions, infant, collective farm charter, child labor, forced labor, rent, real estate, state bodies, public organizations

Мавзунинг долзарблиги:

Маълумки, совет мустамлакачилиги даврида жамиятда болаларни ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш йўлида жиддий муаммо ва зиддиятлар кузатила бошлангани, жумладан, болаларни ижтимоий ҳимоялаш ва ва уларга ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларни таъминлаш йўлида совет ҳукуматини олди-га долзарб вазифаларни қўйди.

Совет ҳукуматининг болаларни ҳуқуқларини таъминлаш йўлида олиб борган қатъий чора тадбирларига қарамай, маҳаллий раҳбарлар томонидан мажуд шароитда бу буйича қўйилган талаб ва тадбирларни ижросини таъминлаш ўрнига, вазиятдан келиб чиққан ҳолда ҳукумати талабларига қарама-қарши ҳолатда масалга ёндошиш кузатилди. Мавзуни ёритишда совет ҳукуматининг ҳуқуқий қарашлари ва амалиётда бу ҳуқуқий чора-тадбирарни ижросини таъминлаш бўйича йўл қўйилган камчилик ва зиддиятлар таҳлили кўрсатиб берилади.

Мавзуни ўрганилганлик даражаси ва методлари:

Мавзуни ўрганилганлик даражаси совет мустамлакачилиги даврида бир қанча илмий-ҳуқуқий манбалар эълон қирилган, уларда асосан болаларни ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асослари кўрсатилиб, масалага бирёқлама ёндошилганлиги, коммунистик тузум манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, материалларни ёритилганлигини кузатиш мумкин.

Жумаладан, “Сборник законодательных актов о труде”. (Москва.: ”Госюриз дат”. 1958 -С. 608.) Тен. А. “Юқори синф ўқувчиларини ахлоқий-сиёсий жиҳатдан тарбиялаш”. (Тошкент.: ”Ўқитувчи”. 1978. -160.) Б. “Совет жамияти бугун: саволлар ва жавоблар”. (Тошкент.:”Ўзбекистон”. 1988. – 320.Б) “Справочник для населения”. (Москва.: “Юридическая литература”. 1989. -С. 384) Киличев. Ф. Нурбаев. А. “Право на защите детей”.

(Ташкент. “Укитувчи”.: 1990. -96. С) каби асарлар ва қўлланмалар орқали, мавзу бўйича турли маълумотларни кузатиш мумкин.

Совет тузуми парчалангач, ўз истиқлол ва тараққиёт йўлига эга бўлган Ўзбекистон Республикасининг зиёлилари ва тадқиқотчилари томонидан бу мавзуга оид бир неча илмий рисола ва асарлар эълон қилинди, хусусан, “Ўзбекистоннинг янги тарихи. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида”. (2-том. Тошкент.: ”Шарқ”. 2000. 688. Б), Б. Ражабов. В. “XX аср 80-йилларида Ўзбекистон маданияти”. (Наманган.: 2004. 48 Б), Рашидова. Г. Комилов. Д. “Инсон-давр кўзгусида ва давр-инсон тақдирида”. (Тошкент.:”TASVIR”. 2017. 376. Б), Ражапов. Қ. “Назир Ража-бов”. (Тошкент.: ”Бодомзор-Инвест”. 2021. -288), Б. Рахматова. Д. “XX аср 50-80 йилларида Қашқадарё вилоятида амалга оширилган пахта яккаҳокимлиги сиёсати ва унинг оқибатлари”. (Тошкент.: ”Lesson Press”. 2024. -204. Б) ва ҳақозо турли материалларда, болаларни совет мустамлакачилиги шароитида ҳуқуқ ва манфаат-ларини поймол қилиниши, уларга мафкуравий нуктаи назардан тарбиялаш йўлида, йўл қўйилган камчиликларнинг салбий оқибатлари батафсил ёритиб берилган-лигини кўриш мумкин.

Мавзуни ўрганишда асосан, солиштирма, қиёсий таҳлил қилиш методидан фойдаланилган ҳолатда, турли давр адабиётларни қиёслаш орқали, мавзунини ёритишга ва улардаги фарқларни аниқлаш орқали мавзуни ёритишга ҳаракат қилинди.

Шунингдек масалани ўрганишда тарихий манбалар билан бирга, совет мустамлакачилиги мафкурасига хизмат қилган юридик материаллар, хусусан, совет кодексларига ҳам эътибор қаратилди.

Тадқиқот натижалари:

Иккинчи жаҳон уруши (1939-1945 йй)дан сўнг Совет Иттифоқида болаларга ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан кўмаклашиш, манфаатларини ҳимоя қилиш механизмини яратиш борасида дадил қадамлар ташланди.

Уруш жароҳатлари миллионлаб болаларни ҳаётида мудҳиш из қолдирган, ота-онасидан маҳрум қилган, уларни мамлакат микёсида ижтимоий-иқтисодий ҳамда маънавий жиҳатдан янада қўллаб-қувватлаш устивор масалага айланди.

Қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжатларда, болалар манфаатларини акс эттирувчи моддалар киритилиб, унда жамиятдаги болаларнинг мавқеи ва ўрни белгилаб берилди, жумладан, вояга етмаган қизларга нисбатан зўравонликларни олдини олиш мақсадида, 1949 йил 4 январда СССР Олий Президиумининг “Номусга текканлик учун қатъий жиноий жавобгарликка тортиш тўғрисида”ги қабул қилинган фармо-нига мувофиқ, балоғатга етмаганларнинг номусига текканлик, шунингдек уюшган тўда бўлиб ёки жуда оғир оқибатларни келтирадиган равишда номусига текканлик учун 15 йилдан тортиб 20 йилгача-ахлоқ тузатиш-қамок лагерида қамок жазоси бе-рилиши белгилаб қўйилди. [1]

Муомала лаёқатига эга бўлмаган бир шароитда, болалар билан турли шартномалар ёки битимлар имзолашда, болаларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, улар билан боғлиқ, ҳуқуқбузарликларни олдини олиш мақсадида, қабул қилинган кодекслар ва қонунларда, болалар билан боғлиқ ҳуқуқий битимларнинг аниқ мазмун-моҳияти кўрсатиб қўйилди.

Жумладан, 1963 йил 23 мартда қабул қилинган, Ўзбекистон ССР Гражданлик кодексининг 55-моддасида, 15 ёшга тўлмаган шахс, яъни болалар томонидан тузилган битимлар (майда майший битимлардан ташқари) ҳақиқий эмаслиги, бундай би-тим бўйича тарафларнинг ҳар қайсиси битим юзасидан олган нарсаларнинг ҳаммасини иккинчи тарафга қайтаришга ва келиб чиққан зиёнларни вояга етмаган шахсга тўлашга мажбур эканлиги кўрсатилди[2, Б. 26]

Бундан келиб чиқадики, вояга етмаган болаларни катталар томонидан алданиб, у орқали турли моддий бойликларни қўлга киритишга уринишларнинг олдини олишда, ушбу модда муҳим роль ўйнади.

Шунингдек, кўчмас мулкларни ижарага олишда, болаларни ҳуқуқлари ҳам ино-батга олиниб, унга кўра, ота-оналарнинг ижарага олинган уйларда вояга етмаган болаларни жойлаштиришда уй эгасидан розилик талаб қилинмаслиги, яъни болалар- ни ота-онадан

алоҳида яшашга мажбур қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқлиги, Ўзбекистон ССР Гражданлик кодексининг 337-моддасида юридик жиҳатдан мус-таҳкамлаб қўйилди. [3, Б. 70]

Вояга етмаганлар билан боғлиқ жиноятлар ва ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ва унга қарши курашда совет ҳукуматининг ушбу соҳага дахлдор ташкилотлар фаолиятини йўлга қўйиш ва болалар билан боғлиқ ишлар самарадорлигини ошириш мақсадида, 1967 йил 31 майда, Ўзбекистон ССР Олий Совет Президиумининг “Ўзбекистон ССРнинг балоғатга етмаганлар иши билан шуғулланувчи комиссиялар тўғрисида низом” қабул қилиниб, комиссиялар олдида болаларни қаровсиз қолмас лиги, улар ўртасида жиноятчилик, ҳуқуқбузарликнинг кўпайиб кетишига йўл қўймаслик, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ишини ташкил этиш вазифалари белгилаб қўйилди [4, Б. 8]

Шунингдек, давлат органлари ва жамоат ташкилотлари болаларга оид масала-лар юзасидан устидан олиб борган ҳаракатларини мувофиқлаштириш, балоғатга етмаганларни Ўзбекистон ССР Жамоат тартибини сақлаш министрлиги муассаса-лари ва махсус тарбия муассасаларида сақлаш шароитлари ҳамда улар билан қай даражада тарбиявий иш олиб бораётганликлари устидан назорат қилиб туриш вако-латлари белгиланди.

Яна бир муҳим ҳужжатлардан бири, 1969 йил 6 июнда қабул қилинган Ўзбекис-тон ССР никоҳ ва оила кодекси бўлиб, унинг 65-моддасида, боланинг оиладаги ҳуқуқий мавқеи тўла-тўқис кўрсатилиб, болалар тарбияси ва унда ота-оналарнинг мажбуриятлари, турли муносабатларда болаларнинг манфаатларга дахл қилмаслик ва уларни ҳурматлаш масаласи ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланганини, жумладан, вояга етмаган болаларни муомила лаёқатига эга бўлмаганликлари учун, уларни ҳимоя қилиш ота-оналар зиммасига юклатилиши ва улар болаларнинг ҳуқуқий вакили бўлиши кўрсатилди. [5, Б. 73]

Ушбу модда баъзида ота-оналарни болалар орқасидан келиб чиқадиган ҳуқуқий жавобгарликдан ўзларни олиб қочишлари ёки бу борада маъсулиятни ўзларидан соқит қилиш каби уринишларни бартараф этганлиги билан муҳим аҳамият касб этди.

Айниқса, болаларни тарбияга олишда имкониятларнинг мавжудлиги ҳамда ва бунинг учун юридик жиҳатдан қўйилган талаблар ушбу кодексда ўз аксини топди, хусусан, 15 ёшгача бўлган болалар тарбияга олиниши мумкинлиги, 5 ойликдан 3 ёшгача бўлган болаларни ҳудудий соғлиқни сақлаш бўлими томонидан ҳал этилиши кераклиги, 5 ойликкача бўлган гўдакларни умуман берилмаслиги белгилаб қўйилди. [6, Б. 86]

Болалар билан боғлиқ ўз даврининг муаммоларидан бири, болалар меҳнати ва уни мажбурий меҳнатга жалб қилинишининг салбий оқибатлари бўлиб, совет ҳуку-матининг меҳнат билан боғлиқ қонунчилигида келтириб ўтилган моддаларида, қўйилган талаблари, амалда Ўзбекистон шароитида умуман ижроси таъминланма-ган жараёнлар кузатилди.

Хусусан, 1971 йил 17 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон ССР Меҳнат қо-нунлари кодексида 16 ёшга тўлмаган болаларни ишга қабул қилишга йўл қўйил-маслиги таъкидлансада, Ўзбекистон шароитида бунинг аксини кўриш мумкин эди. [7, Б. 90]

Ҳолбуки, 1956 йил 26 майида СССР Олий Совети Президиумининг фармони билан 16 ёшдан 18 ёшгача бўлган ўсмирларни меҳнат шароитини янада яхшилаш мақсадида, 1956 йил 1 июлдан бошлаб, 16 ёшдан 18 ёшгача бўлган ишчи ва хизмат-чилар учун олти соатлик иш куни белгиланди. [8]

Ўзбекистонда пахтани экиш, уни етиштириш ҳамда ҳосилни йиғиштириб олиш каби йиллик тадбирларда, совет ҳукумати болаларнинг меҳнатидан “унумли” фой-даланиб келди ва пахта мавсуми пайтида юқорида тилга олинган 16 ёшдан 18 ёшга-ча тугул, балки 12-16 ёшли болалар учун ҳам, 6 соатлик иш кунини маҳаллий раҳбарлар томонидан ижросини таъминлаш ўрнига, ўзлари иш вақти белгиланган-лиги, бундан эса пахта терими билан банд бўлган болаларни ҳуқуқ ва эркинликлари поймол этилганлигини кузатиш мумкин эди.

Болаларни иш вақтида юк кўтариш ҳажми ҳам, давлат томонидан белгилаб қўйилган бўлсада, (масалан, юк кўтариш ҳажми 16-ёшдан 18 ёшгача ўғил болалар учун 16,4 кг, қиз болалар учун 10 кг [9, Б. 171]) пахта терган болаларнинг пахтасини тарозига олиб бориш ва уни кўтариш жараёнларида юқоридаги ҳуқуқий ҳужжат талабларига умуман амал қилинмади.

1988 йилда совет ҳукуматининг “Колхозларларнинг намунавий устави” қабул қилиниб, унга кўра 16 ёшга тўлган ўсмирни колхоз аъзолигига қабул қилинишига рухсат берилиб, колхоз касаба уюшмаси розилиги билан вақтинча ёки мавсумий ишларни бажариш учун 15 ёшга тўлган болаларни ҳам колхозга жалб қилиниши мумкинлиги, бироқ вояга етмаган болаларни давлат томонидан тақиқланган ишлар-га, заҳарли-химиявий моддалар билан боғлиқ ва кечаси бажариладиган ишларда жалб этиш мумкин эмаслиги белгилаб берилди [10, Б. 93]

1969 йилдан колхозларда иш стажи 16 ёшдан инобатга олинади, (Иккинчи жаҳон уруши йилларида эса иш стажи 14 ёшдан этиб белгиланди, боиси ишчи кучи етишмасдан, 14 ёшли болалар ҳам қишлоқ хўжалиги ишларига сафарбар этилган эдилар[11, Б. 110] бундан кўзланган мақсад, мактабни тўла тугатмаган болаларни ҳам, колхозларнинг йил давомида давом этадиган ишларига жалб этиш ва керак бўлса, мажбурий меҳнат ҳолатларига ҳам йўл қўйиб берилиб, бу ҳолат республикада ёзилмаган анъанага айланиб бўлган эди.

Қолбуки Халқаро Меҳнат Ташкилотининг 1957 йилда “Мажбурий меҳнатни тугатиш тўғрисида” 105-конвенцияси қабул қилинган бўлсада, [12, Б. 185] совет ҳукумати болаларга нисбатан ушбу сиёсатидан, парчалангунга қадар ҳам воз кечмади.

Қишлоқ ва шаҳарларда мактаб болаларининг ёзги таътил даврида лагерлар ва дам олиш сихатгоҳларида ҳордиқ чиқаришларини ташкил этиш ўрнига, минглаб болалар қишлоқ хўжалиги ишлари ва ишлаб чиқариш корхоналарига бириктириб қўйилди, масалан, 1987 йилда Навоий шаҳрида таътил бошланиши арафасида “Болаларни ишга жойлаштириш бюроси” ташкил этилиб, ушбу идора шаҳардаги йирик корхона ва заводларга болаларни ишчи кучи сифатида жўнатиш ва таъмин-лаш ишлари билан шуғулланиб, 700 нафар ўқувчи 3 ой давомида турли ишлар билан банд қилинди. [13, Б. 134]

Совет ҳукуматининг болаларга нисбатан олиб борган салбий сиёсати ва унинг оқибатлари 1991 йилда ўз истиклол ва тараққиётига эга бўлган Ўзбекистонга ҳам болалар ҳуқуқларини поймол этиш сифатида оғир мерос бўлиб қолди.

Хулоса:

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев олиб борган оқи-лона сиёсати туфайли, болалар ҳуқуқлари ва манфаатларини камситилиши ва уларни мажбурий меҳнат билан боғлиқ жараёнларига барҳам берилиши, Янги Ўзбекистон тарихида ўзига хос, янги саҳифа сифатида, ўрин эгаллади.

Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 30 апрелда қабул қилган, янги таҳрирдаги Конституциясида, болалар меҳнатининг ҳар қандай шакллари тақиқлаш бўйича алоҳида модданинг киритилиши, бу соҳада Ўзбекистоннинг ҳуқуқий давлат сифатида халқаро майдондаги мавқеини янада оширишга хизмат қилди.

Болаларнинг бугунги кундаги илм олиш, хунар ўрганиш, юксак марраларни эгаллашга бўлган иштиёқи давлатимиз томонидан олиб борилаётган одилона сиёсатининг натижаси бўлиб, шу ўринда тарихни унутмаслик, ундан тегишли хулоса чиқариш ва бу борада ўзидан кейинги авлодларга ҳам ўрнак бўлиш, заминимизда улғайиб бораётган ҳар бир боланинг вазифасига айланди.

Иқтибослар/Сноски/ References

1. Сталин ҳақиқати”. 1949 йил 11 январь (Stalin's truth". January 11, 1949)
2. Ўзбекистон ССР Гражданлик кодекси. Тошкент.: “Ўзбекистон”. 1963. (Civil Code of the Uzbek SSR. – Tashkent: "Uzbekistan". 1963)
3. Ўзбекистон ССР гражданлик кодексига шарҳлар. Тошкент.: “Ўзбекистон”. 1976. (Comments on the Civil Code of the Uzbek SSR. – Tashkent: "Uzbekistan". 1976)
4. Вояга етмаганлар ҳақида қонунлар тўплами. Т.: “Ўзбекистон”. 1969 (Collection of laws on minors. Т.: "Uzbekistan". 1969)
5. Ўзбекистон ССР никоҳ ва оила кодексига шарҳлар. – Тошкент: “Ўзбекистон”. 1975. (Comments on the Marriage and Family Code of the Uzbek SSR. Tashkent: "Uzbekistan". 1975)

6. Ўзбекистон ССР никоҳ ва оила кодексига шарҳлар... (Comments on the marriage and family code of the Uzbek SSR...)
7. Ўзбекистон меҳнат қонунлари Кодекси. – Тошкент: “Ўзбекистон”. 1990. (Code of labor laws of Uzbekistan. – Tashkent .: "Uzbekistan". 1990)
8. “Сталин ҳақиқати”. 1956 йил 30 май (“The truth of Stalin”. May 30, 1956)
9. Вояга етмаганлар ҳақида қонунлар тўплами... (Juvenile Code...)
10. Колхоз аъзоларининг ҳуқуқлари. – Тошкент: “Меҳнат”, 1990 (Rights of collective farm members. – Tashkent: “Mehnat”, 1990)
11. Колхоз аъзоларининг ҳуқуқлари... (Rights of collective farm members...)
12. Инсон ҳуқуқлари. – Тошкент: “Адолат”. 2013. (Human rights. – Tashkent: "Adolat". 2013)
13. Қизил гулнинг қора иши. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 1989 (The black work of the red flower. – Tashkent: "Uzbekistan", 1989)

ЎТМИШГА НАЗАР

7 ЖИЛД, 12 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 7, НОМЕР 12

LOOK TO THE PAST

VOLUME 7, ISSUE 12

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000